


IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№01. 2015



М.Р.Бакиев, С.Э.Шукурова.

Регулирование русел комбинированными дамбами со сквозной частью переменной застройки.....78

СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ғ.Д.Дусмуратов.

Сув хўжалигида давлат сектори ва хусусий сектор ҳамкорлиги шакллари ҳамда уларнинг моҳияти ва афзалликлари.....83

З.С.Абдуллаев.

Фермер хўжаликлари ер участкалари қийматини баҳолашга услубий ёндашувлар.....89

У.Л.Умурзаков, А.К.Ахмедов.

Сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш истиқболлари.....94

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

М.Х.Ҳамидов, Т.З.Султонов.

Сан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция бу – таълим, илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг мавжуд салоҳиятларидан ҳамкорликда оқилона фойдаланишдир.....100

З.К.Исмаилова, Д.Ҳимматалиев.

Муаммоли таълим орқали талабанинг илмий-ижодий қобилиятларини шакллантириш.....103

Д.Ф.Кучкарова, У.А.Насриддинова.

Гидротехника иншоотларини лойиҳалашда AutoCAD график дастуридан фойдаланиш самарадорлиги.....106

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш лойиҳаси.....109

Сурхондарё вилоятидаги сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш (Ҳазарбоғ-Оққапчиғай каналлар тизимини реконструкция қилиш) лойиҳаси.....111

22 март - Бутунжахон сув куни.....112

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ СЕКТОРИ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОР ҲАМКОРЛИГИ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ҲАМДА АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Дусмуратов Ғ.Д.-и.ф.н., доцент,
Тошкент ирригация ва мелиорация
институтини**

Аннотация

Сув ресурслари жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик ресурси бўлиб қолмоқда. Сув хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш мавжуд структураларни модернизациялаш ва давлат-хусусий шериклигини ташкил этишдан иборат. Мақолада ташқари сув хўжалиги тадбирларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини жалб этиш бўйича чоралар тизими технологиялари – лизинг, сув сервисини сизматлари бозори, экологик суғурталаш ва бошқаларнинг моҳияти очиб берилган.

Abstract

The water resources are the strategic resource for socio-economical developing of the community. Development of the water management system is arranged by the modernization of present structure and organizing of the state-private partnership. The article presents financing the budget for external water management actions.

Аннотация

Водные ресурсы являются стратегическим ресурсом для социально-экономического развития общества. Развитие водохозяйственной системы формируется через модернизацию существующей структуры и организация государственно-частного партнерства.

Статья представляет финансирование внешнего бюджета водохозяйственной деятельности.

Хозирги вақтда сув ресурслари жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик ресурси бўлиб қолмоқда. Сув хўжалиги фаолиятининг хусусияти унинг монопол характери ва ижтимоий йўналтирилганлиги билан ифодаланади, бу сув хўжалигида ташкилий-иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг муҳим ролини назарда тутлади. Дунё амалиёти гувоҳлик бериб турибдики, табиатдан оқилона фойдаланишни (шу жумладан сувдан фойдаланиш) давлат томонидан тартибга солиш маъмурий-ҳуқуқий ва иқтисодий методлар ёрдамида амалга оширилади. Давлат бошқарувининг сув объектларидан фойдаланиш, тиклаш ва муҳофаза этишдаги функцияси мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги ўз-ўзини талаб этиладиган таъминлаш, сув сифатини яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш ҳисобланади. Бунинг учун давлат органлари сувдан фойдаланишнинг барқарор механизминини яратиш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини таъминлаш ва бошқарув қарорларини бажаришни назорат этишни амалга ошириш лозим.

Сув хўжалиги фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг йўналишлари куйидагилардан иборат:

а) Сув хўжалигини бошқариш бўйича давлат ижроия ҳокимият органларининг мавжуд структурасини модернизациялаш;

б) Тармоқда давлат-хусусий шериклигини ташкил этиш (шу жумладан концессион келишувлар асосида).

Ўзбекистон Республикасида Сув хўжалиги тизими суғориш тармоқларининг узунлиги 183 минг км, шу жумладан, магистрал ва хўжаликлараро 26,1 минг км, хўжалик ички 156,6 минг км ни ташкил этади. Тармоқда 1619 дона насос станциялар сув етказиб беради. Шунингдек кўп-лаб гидротехник иншоотлар, суғориш қудуқлари, сув омборлар, вертикал дренаж қудуқлар, коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд.

Ушбу тизимни бошқаришни такомиллаштириш учун турли хил ёндошувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Илмий асарларда (4) сув хўжалигини бошқариш давлат органлари структурасини такомиллаштириш масалаларининг кенг ёритилганлиги муносабати билан давлат-хусусий шериклиги технологияларидан бири концессияни тармоқда қўллашни асослаш таклиф этилади. Мамлакатимиз шароити учун энг мақсадга мувофиқ сифатида концессияни танлашни асослаш учун энг аввало сувдан фойдаланишни бошқаришнинг хориж тажрибасига эътибор қаратамиз. Хорижда сув ҳақини ундириш тизимининг ташкилий тузилмасида турли хил схемалардан фойдаланилади. Давлатнинг роли билан сезиларли фарқ қиладиган иккита схема энг кўп тарқалган ҳисобланади. Улардан биринчисига сувга ҳақ тўлаш миқдорини давлат томонидан қаттиқ тартибга солиш характерли. Бу ҳолда тўловлар давлат бюджетига (ёки федератив давлатларда федерация субъектларига) йўналтирилади. Бунинг ҳисобига давлатнинг сув хўжалиги фаолиятини молиялаштириш учун фойдаланадиган молиявий ресурслар шаклланади, бу сув хўжалиги тизимлари ва гидротехник иншоотларни сақлашга ва эксплуатация қилишга, сув хўжалиги қурилишига инвестицияларни, кредитларни, субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва ҳока-золарни тақдим этишни ўз ичига олади. Бундай ёндошувдан ҳозирги вақтда қатор мамлакатларда фойдаланилмоқда, асосан Осиёда, Африкада (Ҳиндистон, Египет, Покистон, Австралия ва бошқалар).

Тадқиқотлар кўрсатишича, асосан Ғарбий Европа мамлакатларида фойдаланадиган иккинчи схема сувдан фойдаланувчилар томонидан сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза этишни сув хўжалиги тадбирларини молиялаштиришни амалга оширадиган корпоратив бошқарувни назарда тутди. Бу ҳолда давлат сув объектларини ҳавзавий бирлашмаларга тезкор бошқарувга ўтказди. Бирлашма ўз худудида сувни муҳофаза этиш ва унга сувни фойдаланувчилар – бирлашма иштирокчилари эҳтиёжини қондириш учун зарур сув хўжалиги фаолиятининг барча турларини – сув ресурсларини баҳолашни, оқимни тартибга солишни, ифлослантирувчи моддалар ташлашни ва сув олишни назорат этишни ҳамда сув тошқини ва сув босишни ўз ичига олиб амалга оширади. Сувга тўланган ҳақ сувдан фойдаланувчиларга бирлашма фаолиятини таъминлашга ва

молиялаштиришга йўналтирилади. Бу ҳолда давлатнинг функцияси маблағларнинг маълум қисмини солиқ шаклида ундириш билан чегараланади. Кейин асосан янги сув хўжалиги қурилишини кредитлаш ва субсидиялаш учун ҳамда сувдан фойдаланувчиларнинг имтиёзли тоифаларига сув ресурсларини тақдим этишдан олинмаган маблағларни сув хўжалиги ташкилотларига компенсация қилиш учун фойдаланилади.

Германия ва Францияда сувдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини ва унинг ташкилий структуравий таъминотини таққослаш таҳлили қуйидаги хулосаларни қилишга имкон беради:

иккала мамлакатда ҳам сувдан фойдаланишга ҳақ ҳавзанинг давлат сув объектлари оператив бошқарувида бўладиган сув хўжалиги органини таъминлашга йўналтирилади, сувдан фойдаланувчилар учун тўлов ставкаси эксплуатацион тадбирлар йиллик дастурида назарда тутилган таннарх бўйича ҳисобланган сувнинг ўртача қийматини баҳолаш натижаси бўйича ва ижтимоий-сиёсий меъзонларни ҳисобга олиб сувдан фойдаланиш ҳажми бўйича аниқланади;

сув учун ҳақни ундириш тизимининг фарқли хусусияти иккала мамлакатда ҳам сув тарифини тасдиқлашда сувдан фойдаланувчиларнинг сўзсиз иштироки ҳисобланади; Францияда барча сувдан фойдаланувчилар тенг ҳуқуқда тарифни тасдиқлашда ҳавза комитетида давлат ва касба уюшма вакиллари билан тенг ҳолда ҳаракат қиладиган сувдан фойдаланувчилар вакиллари орқали иштирок этади; Германияда эса сувдан фойдаланувчилар тарифларни тасдиқлашда овоз беришда бевосита иштирок этадилар. ҳатта битта сувдан фойдаланувчига тегишли овоз учун сув истъемоли ҳажми билан аниқланади;

Германия ва Францияда ҳавзанинг асосан сув хўжалиги ташкилоти статуси фарқ қилинади. Францияда ҳавза агентлиги – атроф-муҳофаза муҳофаза этиш вазирлиги ва ҳавза комитети назорати остида ишлайдиган давлат муассасаси; Германияда сув хўжалиги тизимининг асосан бирлашмаси – бу минтақавий режалаштириш атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги ер вазирлигининг назорати остида ишлайдиган давлат-жамият органидир.

Ғарбий Европа мамлакатларида сувдан фойдаланиш тажрибаси гувоҳлик бериб турибдики, сув хўжалиги тизимининг бошқариш деярли давлат қўллаб-қувватлашсиз амалга оширилади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон шароитида сув хўжалиги ресурсларини

давлат структуралари ва бизнес намояндаларининг стратегик ҳамкорлигини назарда тутадиган давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)ни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари сув хўжалиги тадбирларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбааларини жалб этиш бўйича чоралар тизимининг таркибий элементлари қуйидаги технологиялар бўлиши мумкин: банк кредитлаши, қимматли қоғозлар эмиссияси, лизинг, сув сервиси хизматлари бозори, экологик суғурталаш ва бошқалар.

Сув хўжалиги фондлари умумий улушида асосий ишлаб чиқариш фондларининг пасив улуши устун бўлганлигига қарамасдан, асосий шароитларда сув хўжалигига мўлжалланган актив фондлар лизинги долзарбдир. Саноати ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибаси кўрсатиб турибдики, лизингнинг ҳисобига 25-30 % капитал қўйилмалар молиялаштирилади. Бизнинг мамлакатимизда лизингнинг мавжуд ҳуқуқий меъёрий базаси ҳисобга олиб инвестицион иқлим қулайдир, молиялаштиришнинг лизинг механизми мавжуд ҳолатидан тўлиқ фойдаланиш лозим.

Лизинг иқтисодиётнинг реал секторига (шу жумладан сув хўжалиги секторига) инвестиция жалб этишнинг самарали технологияларидан бири илмий-техник тараққиёт инновацион технологияларни тезлаштириш инструменти ҳисобланади. Сув хўжалигида лизингнинг долзарб тармоқнинг ривожланишида негатив тенденциялар билан аниқланади: сув ресурслари олиб берувчилар ва истъомолчилар ўртасида тўғридан-тўғри тижорат муносабатларининг шакли, сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари фойдаси камайиши, уларнинг ишлаб чиқариш зарур кенгайтириш учун етарли маблағлар ажратиш имкониятларини чекланган. Бундан ташқари иқтисодий рағбатлантириш ва инновацияларни ўстириш мақсадида лизинг механизмларини ривожлантиришга кўмаклашатиш бўлган ҳолда сув хўжалигига қўлланилган лизинг фаолиятини тартибга солишнинг самарали инструментлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаши мумкин:

сув хўжалиги актив ишлаб чиқариш фондларини сотиб олиш бўйича лизинг берувчининг маблағларини лизинг олувчи томонидан бюджетдан ҳам молиялаштириш;

сув хўжалиги актив фондларини сотиб олиш учун лизинг берувчи томонидан жалб

этилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларни субсидиялаш;

в) инновацион лойиҳалар бўйича турли хил солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этиш, хусусан – лизинг ёрдамида амалга оширилган сув тежовчи ва сувни муҳофаза этиш технологиялари жорий этишни таъминловчи лизинг лойиҳалар бўйича.

Энг асосийси маблағларни мақсадли йўналтирилиши асосида 20-30 йилдан бери фақат режалаштирилаётган, аммо амалга ошириш ёки тугаллашнинг иложи бўлмаётган бир қатор йирик мелиоратив объектлар қурилиши тугалланиб, ишга туширилди. Масалан, Тошкент вилоятидаги Уртукли коллектори, Бухоро вилоятидаги Қумсултон пастлигидан Денгизкўл ташламасигача бўлган магистрал коллектор ҳамда Каттакўл-Гўжайли магистрал коллекторларининг қурилиш ишлари амалга оширилди.

Юқоридаги тадбирларнинг бажарилиши натижасида охириги тўрт йил давомида республика бўйича 1 млн. 700 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини бажарилиши

Тадбирларнинг самарадорлиги

Вилоятлар номи	Мелиоратив тадбирлар бажарилган лойиҳалар ҳудудида		
	мелиоратив ҳолати яхшилانган ва барқарорлиги таъминланган майдон, минг га	асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртача ҳосилдорлиги ошиши	
		пахта, ц/га	ғалла, ц/га
Қорақалпоғистон Республикаси	144,0	1,6	2,3
Андижон	45,4	2,0	2,9
Бухоро	70,2	2,5	3,3
Жиззах	36,3	1,7	2,4
Қашқадарё	83,9	2,3	3,0
Навоий	36,1	1,9	2,4
Наманган	58,9	2,0	2,8
Самарқанд	188,8	1,9	2,8
Сурхондарё	35,0	2,1	3,2
Сирдарё	78,2	1,7	2,8
Тошкент	142,1	1,8	2,4
Фарғона	121,3	2,2	4,7
Хоразм	124,3	2,1	3,0
ЖАМИ	1164,4	2,0	2,8

натижасида лойиҳалар ҳудудида ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушлаб турилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилди ҳамда ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олди олинди.

Республика миқёсида кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0 метргача бўлган майдонлар 519 минг гектарга камайишига эришилди.

Ўтказилган таҳлиллар, мелиорация тадбирлари амалга оширилган ҳудудларда пахта ва ғалла экинларидан олинадиган ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнергача кўпайганини кўрсатди. Булардан ташқари, ушбу амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар натижасида аҳолининг 100,0 минг гектардан ортиқ томорқа ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди (1-жадвал). Сув хўжалигини молиялаштириш манбаларидан бири экологик суғурталаш механизмини қўллаш ҳисобига жалб этиладиган маблағлар ҳисобланади. Суғурталанувчилар (сув истъеомолчилари) тегишли сарф харажатларни ҳисобга олиш имконияти кўриниб турганидек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибида, сув хўжалиги тизимини қуриш ва эксплуатация қилишда вужудга келадиган рискларни суғурталашга рағбатлар пайдо бўлади.

Бугунги кунга келиб экологик суғурта табиатни муҳофаза этиш ва ресурс тежовчи тадбирларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаси ҳисобланади. У экологик рискларни бартараф этиш бўйича содда тадбирларни ишлаб чиқишга, иқтисодиётнинг турли хил тармоқларидаги корхоналарда экологик ҳисоб ва аудитни ривожлантиришга, экологик экспертизани, мажбурий экологик сертификациялаш тизимини жорий этишга ҳамда халқ хўжалиги объектларини хусусийлаштириш тамойилларини такомиллаштиришга имкон беради.

Аммо экологик суғурталашни ривожлантириш зарур қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий базани мавжуд эмаслиги билан, такомиллашмаган солиқ тизими, корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларининг юқори эскириши, рискларни суғурталаш бўйича тадбирларни аниқлашга ягона ёндошувнинг йўқлиги ва табиий ресурсларнинг пасайтирилган баҳоси билан ушланиб турибди.

Сув хўжалиги секторига инвестиция жалб этишга шунингдек венчур молиялаштиришни ривожлантириш имкониятини яратиш мумкин. Анъанавий кредиташда венчур инвестициялаш,

қоидага кўра хусусийлаштирилган корхоналарда улар томонидан қандайдир гаровни тақдим этмасдан амалга оширилади. Ушбу технологияни сув хўжалигида қўллаш мураккаблиги шундан иборатки, республика давлат муассалари ва корхоналари асосий ишлаб чиқариш фондларининг мулкдорлари ҳисобланмайдилар, фақат улар устидан оператив бошқарувни амалга оширадилар. Ушбу муаммони ҳал этиш имконияти – кўрсатилган корхоналарни акционерлаштириш, фонд балансига ижарага олинган ёки концессион мол-мулк сифатида ўтказиш ҳисобланади. Бунда венчур компаниялар томонидан инвестициялар ё акционер капиталга акция улушига алмаштириш эвазига ё инвестицион кредит шаклида тақдим этилади (шунингдек, молиялаштириш комбинацион шаклда бўлиши ҳам мумкин).

Ҳозирги кунда сув ресурсларини бошқаришнинг истиқболлини инсон фаолияти ва ташқи мувозанат ўртасидаги ўзаро боғлиқ эканига оид чуқур билимга эга бўлган ҳолдагина прогноз қилиш мумкин [3]. Сув хўжалиги фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш шунингдек тармоқда давлат-хусусий шериклигини ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Давлат-хусусий шериклигининг ташкилий шаклларига – сув хўжалиги республика мулкни бошқаришга қуйдагиларни киритиш мумкин:

- қўшма корхоналар;
- қисқа муддатли давлат контрактлари;
- ижара;
- инфраструктуравий концессиялар;
- табиатдан фойдаланишда концессия.

Бу шакллар сув хўжалиги сиёсатини ўтказишда ягоналиги, бошқарувнинг иқтисодий методларини қўллашда, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ва шартнома мажбуриятларини бажаришда мустақилликни таъминлашга қаратилган. У ёки бу шаклни танлаш иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига, сув объектларига мулкчилик ҳуқуқларига, минтақа бошқаруви структурасига ҳамда ҳуқуқий базанинг ривожланиш даражаси билан тақозо этилади. Кўрсатилган ҳар бир шакл ўзининг хусусиятларига эътиборини қўйиш ва камчиликларига эга, шу муносабат билан уларни кўриб чиқиш лозим. Қўрилган корхоналар давлат ва хусусий капитал иштирокчилари аралаш жамиятини ўзида акциядорлик улушини ажратиш билан акционерлик шаклида яратилади.

Қисқа муддатли контрактлар шартлиги

хусусий компанияларнинг сув хўжалиги объекти билан боғлиқ давлат билан тузилган ҳар хил шартномаларни бажаришга ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, сув объектига техник ёрдам кўрсатиш ва ҳакозолар бўйича тадбиркор шартномада ўрнатилган ҳақни ишларнинг бажарилган ҳажмига оладиган фаолият шаклини ўзида акс эттиради.

Ижара муносабатлари сув хўжалиги секторида давлат-хусусий шериклигини шаклининг етарлича жозибадор шакли ҳисобланади. Ижара шартномаларига мувофиқ давлат бизнесга конкрет сув объектига нисбатан бинолардан, иншоотлардан, ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланишга ўтказилади. Давлат мулкидан фойдаланишга ҳақ сифатида хусусий компаниялар ғазнага ижара ҳақи тўлайдилар.

Концессион келишувни сув хўжалигида икки турга бўлиш мумкин: гидротехник иншоотларига инфраструктуравий концессиялар ва сув хўжалиги концессиялари (сувдан фойдаланишда концессия).

Умумий ҳолда сув хўжалигида концессия деганда давлат-хусусий шериклигини шакли тушунилади. Сув хўжалиги концессияси сув ресурслари мулкдори (давлат) билан бошқарувчи компания (концессионер) ўртасидаги сув хўжалиги объектларидан канал ёки сув омбори) фойдаланиш бўйича ўзаро муносабатлар шаклини ўзида акс эттиради. Концессиянинг ҳуқуқ ўрнатувчи ҳужжати давлат ва инвестор ўртасида концессионерни сув объекти ресурсларидан ушбу объектнинг ресурсларини тиклаш ва муҳофаза этишда хўжалик мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги концессион келишув ҳисобланади. Келишув маълум шартларда, вақтли ва қайтариладиган асосда, концессионер маблағи ва унинг инвестицион риси ҳисобига амалга оширилади.

Сув хўжалигида концессиянинг иштирокчилари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Сув хўжалиги объектларини бошқариш бўйича ижроия ҳокимият органлари орқали давлат (концидент).

2. Сув хўжалигини бошқарувчи ташкилот (концессионер).

3. Ирригация тизимлари хавза бошқармаси режалари ва вазифалари доирасида ҳаракат қилувчи бошқа сув хўжалиги ташкилотлари.

4. Сувдан фойдаланувчилар (концессионер абонентлари).

Концессия ўзида ижара, пудрат ва инвести-

цион келишув, шартнома элементларини бирлаштириб давлат ва хусусий ҳамкор манфаатларини ҳисобга олишга имкон беради. Сув хўжалиги фаолиятини бошқаришнинг концессион бошқариш шакллари қуйидаги хусусиятларга эга:

битимни тузишдан кўпсонли мақсади (концессия сувдан фойдаланувчилар талабларини ҳисобга олиб ва қисман уларнинг молиявий маблағларига қурилишни, модернизациялашни, реконструкциялашни, кенгайтиришни, сув хўжалиги объекти ва унинг инфраструктурасини эксплуатация қилишни назарда тутати);

давлатнинг ва бизнеснинг ҳамкорлиги истиқболли йўналишларини режалаштиришга имкон берадиган битимнинг узоқ муддатли характери;

хусусий компания сув объектларига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини, маъмурий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритадилар, бу бошқарув қарорларини қабул қилиш эркинлигини сезиларли кенгайтиради;

давлат назорати ва надзори объекти нафақат хусусий тадбиркордан солиқ ва концессион тўловнинг ўз вақтида тушуми, балки уларнинг бошқа мажбуриятларини бажарилиши (мол-мулкни талаб этилган ҳолатда сақлаш, сувдан фойдаланиш шароити, экологик нормалар, ижтимоий шароитлар ва бошқалар) ҳамда техник назорат бўлади.

Сув хўжалиги секторида давлат-хусусий шериклигини шаклларида таққослама таҳлили сув хўжалиги фаолиятини бошқаришнинг концессион шаклининг қуйидаги афзалликларини юзага чиқаришга имкон беради:

а) контракт, ижара ва бошқа муносабатлардан фарқли концессия узоқ муддатли характерга эга, бу иккала томонга ўз фаолиятини стратегик режалаштиришни амалга оширишга имкон беради;

б) концессияларда хусусий сектор маъмурий-хўжалик ва бошқарув қарорларини қабул қилишда тўлиқ эркинликка эга, бу уларни қўшма корхоналардан фарқлайди;

в) концессион шартнома доирасида ҳам, қонуний нормалар доирасида ҳам, давлатда хусусий инвесторга у томонидан концессия шarti бузилган ҳолда, ҳамда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти вужудга келганда етарлича таъсир дастаклари қолади;

г) давлат хусусий инвесторга фақат ўз мол-мулки объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини ўтказилади, ўзида уни тасарруф

этиш ҳуқуқини қолдиради;

д) концессион битим иштирокчилари ўрта-сида рискни диверсификациялаш сув хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга қўшма инвестициялар амалга оширишга имкон беради.

Сув хўжалигининг юқори фондсиғимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, концессия сув хўжалиги фаолиятини бошқаришнинг энг мақсадга мувофиқ шакли бўлиб тақдим этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон сув хўжалиги фаолиятини бошқариш тизимини таҳлил этиш кўрсатиб турибдики, бугунги кунга хўжалик юривчи субъектлар иқтисодий мустақилликка ва тижорат учун етарлича шарт-шароитларга эга

эмас. Бу сув объектларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза этиш масалаларини ҳал этиш учун корхона – сувдан фойдаланувчилар ўз маблағларини ва ташқи молиявий ресурсларни жалб этишни рағбатлантириш бўйича чоралар тизимини амалга ошириш зарурлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Шу маънода концессия бошқа давлат-хусусий шериклиги технологиялари билан таққослаганда сув объектлари мулкдори сифатида давлатнинг ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг ўзаро муносабатларининг энг афзал шакллари-дан бирини ўзида намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 19-МАРТДАГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "2008-2012 ЙИЛЛАРДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ Тўғрисида" ПҚ-817-сонли қарори.
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ «СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида»ги 320 сонли қарори. 21-июль 2003 йил.
3. СУВ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН МУҲИМ ҲАЁТИЙ РЕСУРС. UNDP, ЎЗБЕКИСТОН, ТОШКЕНТ 2007. (UNDP, 2007).
4. ДЖАЛАЛОВ С.Ч., МИРЗАЕВА М.С., СУВ РЕСУРСЛАРИ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИҚТИСОДИЁТИ. -Т.: ТИМИ, 2008, 160 Б.
5. АБДУЛЛАХАНОВ Р. А. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш муаммолари. //Ж. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ АХБОРОТНОМАСИ. 2000. №10-11. 2-5 БЕТЛАР.

